

# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 15 октябрь Чоршанба. № 80 (14472)

## ЭЪТИРОФ

Халқингиз бахтли ва фаровон ҳаётига ишонади. Мамлакатингизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотлар ўз самарасини бераётди. Қарда бўлмайдиган меҳнаткаш, очиқ кўнгли, меҳмондўст ўзбек халқи энг шимариб меҳнат қилиб, буюк келажак сари одимлаб бораётганининг шоҳиди бўлдим.

Қамар РАИС,  
Ўзбекистондаги Ҳиндистон  
маданияти маркази директори

### Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича Халқаро учрашув қатнашчиларига

Азиз дўстлар!

Сизларни Тошкентда самимий қўтлайман ҳамда мазкур учрашувингиз жаҳон жамоатчилиги эътиборини Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига янада кучлироқ жалб этишга хизмат қилади, деб ишонч билдираман.

Орол бўҳрони бир минтақа доирасидан чиқиб, сайёрамиз миқёсида аҳамият касб этган бўлиб, бугунги кунда унинг ҳалокатли таъсири иқлимнинг ўзгариши, биологик мувозанат, алаҳ-оқибатда аҳоли ирсиятида ҳам сезилмоқда.

Улкан ҳудуднинг экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик ҳолатининг миқёс ва мураккаблиги бу муаммага комплекс ёндашув, қўшни давлатлар ҳамда умуман халқаро ҳамдўстлик ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва кенгайтиришни тақозо этади.

Мазкур учрашув Оролни қўқариш бўйича комплекс дастурни амалга оширишда муҳим босқич бўлиб қолишига, бу оламшумул муаммони ҳал этишда барча иштирокчиларнинг бир битимига келишига кўмаклашишига чин дилдан умид боғлайман. Барчамизнинг умумий вазиғамиз -табиатнинг ночор аҳволга тушиб қолган ҳозирги мувозанатини барқарорлаштиришдан, инсоннинг ашаши ва фаолият кўрсатиши учун мақбул шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Барчангизга муваффақият ҳамда бу олижаноб ишингизга барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президентини  
Оролни қўқариш Халқаро Жамғармаси  
Президенти

### Ўқитилмас тadbир

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Президентимизнинг "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганидан бун талғига хайрли ишларни бажарди. Жумладан, вазирликнинг қарорига асосан юртимизнинг барча олий ўқув юртилари, илм даргоҳларида "Маънавият ва маърифат асослари" фани ўқитилмоқда. Ушбу мавзуга оид олимлар, ёзувчилар, дин аҳли билан талабалар ўртасида қизиқарли учрашувлар ўтказилди.

Илгари хабар берганимиздек, республика олий ва ўрта махсус ўқув юртиларининг талабалари орасида "Маънавият" калбим қўёши" мавзуда ишолар танлов эълон қилган эди. Ана шу ишоларнинг доир республика анжумани Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди.

Шу кун Бухоро Давлат университети биноси ёшлар билан гавжум эди. Анжумани кириш сўзи билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўринбосари Убайдулла Усмонов оиди.

— Ёшларнинг маънавият ҳақидаги ўзини хос фикрлари бизда катта қизиқиш уйғотди, — деди у ўз сўзида. — 50 мингта яқин ишолар ёзилди. Шулардан 600 таси танлов учун саралаб олинди. 28 нафар талаба-ўқувчининг

иншои эса вазирлик мукофотига лойиқ деб топилди.

Шунингдек, анжуманда Бухоро вилояти ҳокимининг муовини Нуриддин Очилов, Бухоро Давлат университетининг ректори Комилжон Муқимов, таниқли шоир ва ёзувчилар Нормурод Нарзуллаев, Сафар Барноев, Хожиақбар Шайхов, Садриддин Бухорий ва бошқалар сўзга чиқди.

Сўнгра голибларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Гулистон Давлат университетида Хурсандой Сотволдиева, Қорақалпоғистон Давлат университетида Ширингул Жумамуродова, Наманган Давлат университетида Римма Енилеева биринчи ўринга сазовор деб топилди. Ўрта махсус ўқув юртилари талабалари орасида эса Феруза Ихлосова, Бибимарям Камолова, Ирода Аҳмедовалар биринчилиқни қўлга киритди.



Суратда: тadbир иштирокчиларидан бир гуруҳи

лолнинг қадрига етиш ва уни сақлаб қолиш учун курашмоқ керак. Маънавий юксалиққа эришган инсонгина бу ишга қўйилди.

Утмиш, бугун, келажак... гигади энг буюк тушунчаларни ифодаловчи пурҳикмат сўзлардир. Ватан жонажон ўлка бўлса, Истиқлол унинг раҳнақи, Маънавият эса унинг ўтмиши, ҳозир ва келажиги-

нинг қалби қўвонча тўла. Юртимиз истиқлолнинг олти йиллигини нишонлаганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Республиканинг раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан тарихий обидалар билан танишишди.

— Анжуман учун Бухоро шаҳри бежиз танлаб олингани йўқ, — деди бизга Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқармаси бошлиги Дунон Ганисев, — кўнра ва навиқрон шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейига қизгин тайёргарлик кетаётган шундай дамларда ёшларимизни муқаддас қадимжоллар, қадим маърифат ўчоқлари билан таништириш катта тарбиявий-ахлоқий аҳамиятга эгадир.

Насоқат УСМОНОВА

## МАЪНАВИЙ БАРКАМОПЛИК УЧУН

Анжуманда сўзга чиққан талабаларнинг дил сўзлари кўпчилиқнинг диққатини ўзинга жалб этди.

Хурсандой СОТВОЛДИЕВА: — Шукрлар бўлсинки, бизга овоз ва мустақил Ватанда яшаш насиб қилди, аждодларимизнинг армони орзуси ушалди. Мана шу Истиқ-

демак, вақт доим олдинга интилади. Лекин кечаги кунсиз бугун, бугунги кунсиз эрта бўлмайди. Эртанги ҳаётимиз гўзал, турмушимиз фаровон бўлиши учун бугун меҳнат қилишимиз зарур. Келажак эса биз ёшларнинг қўлида!

Зухра АКБАРОВА: — Ватан, истиқлол, маънавият. Бу сўзлар инсон он-

дир. Бугунги кунда давлатимиз биз ёшларнинг маънавий етук ва баркамол, ориф инсон бўлиб етишишига ўз куч-гайратини, диққат-эътиборини сира аямаяпти. Бунга жавобан биз ёшлар ҳам аъло ўқишимиз, уларнинг ишончини оқлашимиз зарур.

Лайло СОАТОВА: — Бугун ҳар бир талаба-

1997 йил -- Инсон манфаатлари йил деб эълон қилиниши халқимиз кўнглидаги гап бўлди. Юрт келажиги унинг истиснолиги, иқтидорли ёшлари тимсолида гавдаланади.

Шу кун анжуман қатнашчилари учун театрдан томошалар, концерт ҳамда "Бухоро тарихини биласизми?" мавзуда тарихшунос олимлар

## ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТЛАРИ

Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ фуқароларимиз ҳақиқий эркинликни ҳис эта бошладилар. Мамлакатимиз ривожланишининг асосий тамойилларидан бири -- қонун устиворлиги сиёсатининг асосий ўлароқ, бир қанча долзарб муаммолар ичида биринчи навбатда 1991 йилнинг ўзидаёқ қабул қилинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида қонун"нинг амалда тadbир этилиши муҳим аҳамият касб этди.

Мамлакатимиз тарихан кўпмиллатли ўлка бўлганлиги туфайли бу заминда турли-туман дин вакиллари эмин-эркин яшаб келмоқдалар. Азалдан ислом маданиятининг ўчоқларидан бири саналмиш юртимизда насронийлар, яҳудийлар ва бошқа дин жамоалари мавжуд. Динимиздаги барча фуқароларнинг бирор динга эътиқод қилиш ва диний расм-рўсувларни бажариш ҳуқуқлари Конституция ва Қонун орқали ҳимоя қилинади. Барча дин вакиллари ўртасидаги тинч-товал муносабатлар ҳам фахрланувчи ва ҳам авайлаб ардоқловчи бойлигимиз ҳисобланади. Шу билан биргалиқда улар республика ҳукуматининг сиёсий барқарорлиқни сақлаш, иқтисодий юксалишга эришиш ва ҳорийқий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатилишга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар.

Утмишга назар ташласак, 1990 йилдаги республикамизда масжидлар сони бор-йўғи 80-90 ардоғида эди. Ҳозирги кунда, Алҳамдулиллоҳ, тўрт мингдан ортик масжидларда аҳли ислом тоату ибодатда. Собиқ иттифоқ даврида фақат биттадан мадраса ва олий маърифат фаолият кўрсатар эди. Ҳозирда эса 18 дан ортик диний таълим масканлари талабалар ислом динини ўрганмоқдалар. Гарчи Ўзбекистон дунёвий давлат ҳисоблансада, ўз фуқаролари хоҳиш-иродасига биноан Рамазон ва

Қурбон ҳайитлари расмий байрамлар қаторига қўшилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Истиқлолга ҳар йили Ватанимизда атиги 3-4 киши муборақ Ҳаж ибодатини бажариш бахтига эриша олардилар. Бугун эса йилга уч ярим мингдан ошдиқ фуқароларимиз Ҳаж ибодатини, икки ярим мингдан зиёд юртдошларимиз эса Умара зибратини бажариб қайтмоқдалар. Бу муқаддас сафарларнинг ташкил этилишида республика раҳбарияти томонидан ҳар йили махсус қабул қилинадиган қарорлар асосида талай имтиёз ва қулайликлар яратилмоқда. Президентимизнинг "Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккага Ҳаж қилишига зарур ёрдам беради" деган сўзлари ҳаётда, амалда тadbир этилмоқда.

Давлат ва дин муносабатларининг ўйғунлашуви -- 1992 йил баҳорида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмита ташкил этилиши бўлди. Утган йиллар давомида мазкур Қўмита давлат идоралари ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларнинг русвофлашуви, такомиллашувида қатор вазиғарларни амалга оширди ва ошириб келмоқда.

1993 йилда Президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан Бухоро шаҳридаги "Нақшбанд" масжиди мажмуаси давлат ҳисобидан қайта таъмирланиб, тариқат асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллик юбилей тантаалари кенг нишонланди.

1993 йилда республика раҳбарияти ташаббуси билан 30 дан ортик ҳорийқий мамлакатлардан меҳмонлар тақлим этилиб, буюк алола, муҳаддис Имом Бухорийга бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

Ислом маданияти, тарихи ва асрлар мобайнида халқимиз

яратган бой ва бебаҳо дурдоналари -- аждодлар меросини ўрганиш, тақдиротлар натижалари билан инсониятни баҳраманд этиш ва уни келажак авлодга етказиш мақсадида 1995 йил 19 май кун "Тошкент шаҳрида Халқаро ислом тақдирот марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинди.

Шу тариқа, юқорида зикр этилганлар совет даврида жамият ҳаётидан қувғин қилинган ислом динининг ҳозирда ўз мақсатини қайта эгаллагани ва республикада исломга нисбатан муносабатнинг ўзгарганлигидан далolat беради. Шунинг билан бирга, республика раҳбарияти мустақиллиқнинг биринчи кунлариданоқ диний экстремизм ва терроризмни халқаро ҳавфсизлик ва тараққиётга тўққинлик қилувчи салбий омил сифатида қоралаб келмоқда. Республикада ҳар қандай миссионерлик фаолияти қонун йўли билан таъқиқланган.

Ўзбекистон турли халқаро ислом ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Мисол тариқсида 1995 йилда Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан рўйхатда олинган "Ал-Иғоса" (Саудия Арабистони) ва "Осиё мусулмонлари қўмитаси" (Қувайт) каби ташкилотларнинг республикада фаолият бошлаганлигини қўсаиш мумкин.

Жорий йилнинг июнь ойида Исломободдаги Халқаро Ислом университети қошида "Давлат" академияси ҳайъати Ўзбекистонга таширф буюриб, диний вазиғт билан яқиндан танишдилар. Бу таширф Ўзбекистон ва Покистон мусулмонлари орасидаги муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

("The News" газетаси,  
1997 йил 1 сентябрь)

## Обуна-98 ХУШХАБАР

Қарши давлат муҳандислик иқтисодиёт институти талабалари ўқишдан бўш вақтларида "Оқ олтин"ни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда деҳқонларга ёрдам беришмоқда. Уларнинг шу кунга қадар терган пахтаси 1400 тоннадан ошиб кетди. Талабалардан Ҳабибулло Маманов, Нодир Ҳабибов, Меҳриддин Полвонов ва Холниса Нодирова каби гайратли ёшлар кунига 200-220 килограммга етказиб пахта теришмоқда.

Кеча институт ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Муродилло Нормуродов қўнғироқ қилиб, қуйидаги хушхабарин етказди:

—Институтимизнинг ёшлари пахта теримидан тушган бир кунлик меҳнат ҳақини жамлаб, "Туркистон" газетасига обуна бўлишди.

Яққобов туманидаги 9-касб-хунар мактаби (директори Ханифа Эшдавлатова) ёшлари ҳам бир кунлик меҳнат ҳақини тўплаб, "Туркистон"га обуна бўлдилар.

### Ўқитилмас тadbир — орф бахти

Ҳукуматимизнинг мўътабар идоралари, шу жумладан тахриратимизга келаятган мактубларда ватандошларимиз амалга оширилайотган ислохотлардан мамнуликларини шундоққина сезилиб турибди. Уларни эътиборингизга ҳавола қилишни лозим деб топдик.

Ҳукуматимиз раҳбариятининг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги мустақил республикамиз келажиги йўлида жон куйдириб меҳнат қилаётганидан далolatдир. Сўзларининг исботи сифатида "Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонни келтириш киёфдир.

Ҳозирги кунда яхши ўқиш, фанларни пухта ўзлаштириш менинг асосий вазиғам эканини чуқур англаб олганман. Келгусида "Умид" жамғармаси танловидан иштирок этиш ниятим бор. Ажаб эмас, "Умид" менинг умидларимни рўбга чиқарса! Келажакда етук касб эгаси бўлиб, давлатимизнинг биз ёшларга билдирган ишончини оқлай олсам, ўзимни энг бахтли инсон деб ҳисоблайман.

Алишер КАРИМОВ, Косонсой шаҳар  
Абу Райҳон Беруний номи 1-ўрта  
мактаб ўқувчиси

Қадри Президентимизнинг халқимиз оёсийишталлиги ва фаровон турмушини йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳар қанча удуғласак арзийди.

Халқ хўжалиги учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган "Умид" жамғармаси кўпчилиқнинг дилидаги гап бўлди. Қолаверса, яқиндагина эълон қилинган "Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши, моддий шароитини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорни нафақат муаллимлару ўқувчилар, балки бутун халқимиз қўллаб-қувватлайди.

Ўз ўрнида биз маориф ходимлари ҳам маънавият ва маърифатнинг устиворлигини таъминловчи қадимларга ривож тилаб, уни амалга оширишда куч-гайратимизни сира аямаймиз.

О.ОЛИМОВ,  
Андижон вилояти халқ таълими ходимлари  
фахрийлик кенгашининг раиси

Биз ёшларни ва давлатимиз тараққиётини ўйлаб, ғамхўрлик қилиб истисноли ёшларни ҳорийқда билим олишларини қўллаб-қувватловчи "Умид" жамғармасини таъсис этилгани боис ўзим ва барча ёшлар номидан ташаккур билдиришмоқчиман.

Биз ёшлар Президентимизни, халқимиз, давлатимизнинг ишончини оқлаб, юртимиз шон-шарафи ва қадр-қимматини муқаддас сақлаб, бутун фаолиятимиз ва ақл-заковатимизни Ўзбекистон келажиги буюк бўлишига, юксак даражада ривожланишига, гуллаб-яшнашига ва тараққиётига сарфлаймиз.

Баҳоидор ОРИПОВ,  
Тошкент Давлат Педагогика институтининг  
тарих куллиёти талабаси

Маълумки, 1996-97 ўқув йилида 50 нафар ўзбекистонлик ўқувчилар АКСЕЛС ташкилотни орқали Америка Қўшма Штатларига жўнатилган эди. Мен, Хуршид Рустамов шу дастурда иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим.

Фурсатдан фойдаланиб шу дастур ташаббускорларига, биз ёшларга етарлиқ шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бергани учун миннатдорчилик билдираман.

Ўн бир ой давомида мен Америкада чуқур билим олишга муваффақ бўлдим. Ишончим комилки, шундай дастурлар юртимиз келажигини юксалтиришда ўз ҳиссасини қўшади.

Хуршид РУСТАМОВ,  
Мичиган штати, АҚШ

Ҳукуматимиз ва шахсан Президентимизнинг келажак авлодга яқиндан кўрсатаётган ғамхўрлиги, меҳрибончилиги бизни янада хушуд қилаяпти ва зиммамизга юкланаётган ишонч масъулият билан чуқур билим олишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, юртимизни ривожланган давлатлар қаторига қўшишга, ўз салоҳиятимиз ва истиснолимизни янада оширишга ундайди.

Мамлакатимиз ёшлари иқтидорини қўллаб-қувватловчи "Камолот" ҳамда "Умид" жамғармалари ташкил этилишидан беҳад мамнунимиз...

Мирозил МИРОҚИЛОВ,  
Шайхонтохур тумани

... Бугунги кунда халқ хўжалиги тармоқлари, иқтисодиёт, маориф ва бошқа барча соҳаларда жиддий ижобий ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда.

Мустиқиллик шарофати билан оиламиздан икки фарзандимиз чет мамлакатларда билим олиш бахтига мушарраф бўлди. Улардан бири бугунги кунда Туркияда ўқимокда. Иккинчиси бу йил АҚШнинг нуфузли университетига ўқишга юборилди. Президентимизнинг Ўзбекистон ёшлар

рига бўлган оталарча ғамхўрлигидан беҳад миннатдорман.

М. ХАЙРУТДИНОВА,  
Андижон шаҳри

Мен, Аҳаддон Нажмидиннов Наманган Давлат Университети роман-герман куллиёти "Иқтисодиёт -- тадбиркорлик" гуруҳида таълим оламан. Менинг асосий мутахассислигим -- инглиз тили ва иқтисодиёт.

Сир эмаски, собиқ Иттифоқ давлатларининг кўп жойларда урушлар, бесаранжомликлар кетяпти. Уша давлатларда менинг тенгқурларим қандай қулфат ва машаққатларга дучор бўлаётганларини ойнан жаҳон орқали кўриб турибмиз. Шу билан бирга бизнинг юртимиздаги тинчлик-осойишталикка қўллар ҳавас қилади.

Энг муҳими шуки, мамлакатимизда тўғри сиёсат олиб борилаётганлиги туфайли бизнинг давлатимизни бутун дунё таниб, ривожланган мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий ва моддий алоқалар боғланди. Олти йил давомида давлатимиз ёшларига, улар қаторида менга ҳам, келажакда юксак мақсадларга эришишим учун кенг имкониятлар ва замин яратилди. Оз мударта шундай оламшумул муваффақиятларга эришиш катта бахт!

Аҳаддон НАЖМИДИНОВ,  
Наманган шаҳри

### Бизнинг шарҳ:

Мактублар -- кўнгли ойнаси. Бундай самимий миннатдорчилик билан битишган хатлар жуда-жуда кўп. Биз эълон қилганларимизни денгиздан томиқ дейиш мумкин. Энг асосий эса йўлланган хатлар орқали ватандошларимизнинг мамлакат, мустиқиллик тақдирига бефарқ эмаслиқларини англаб олиш осон. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаётганларидек, "Шу азиз Ватан барчамизникидир!"



Мамлакатимиз иқтисодиётида бозор муносабатлари тобора шаклланиб бормоқда. Умумий ишлаб чиқариш ўтган йили 1,6 фоизга ошган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ бу кўрсаткич 3,9 фоизни ташкил этди...

ҳақида мутасадди ва масъул ходимлар билан суҳбат ўтказди. Унда Ўзбекистон Олий ҳўжалик суди судлов ҳайъатининг раиси А.Дўстобоев, Республика Олий ҳўжалик суди судьяси М.НАСУЛЛАЕВ, Тошкент вилоят ҳўжалик суди раиси М.СОБИРОВ, Тошкент шаҳар ҳўжалик суди судьяси И.НАСРИЕВ иштирок этдилар. Қўйда шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз:

МУХБИР: -- Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик процессуал кодекси қабул қилингунга

АГАР ЗИДДИЯТ ТУФИЛСА... уни ҳўжалик суди одилона ҳал этади



А.ДўСТБОЕВ



М.НАСУЛЛАЕВ



И.НАСРИЕВ

қадар ҳўжалик низолари қандай қонунларга асосланиб кўриляётган эди? А.ДўСТБОЕВ: -- Ҳўжалик процессуал Кодекси Ватанимиз истиқлолга юз туггандан бери қонунларимиз шаклланиб ва мукамаллашиб бориши жараёнида илк бор қабул қилинган бўлиб, шуниси билан эътиборга моликдир...

асосида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириб топшириш ва уларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 августдаги 438-қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида"ги Низоом талаблари асосида иш қўрилади...

варақасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ана шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун унга энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорда жарима солинади.

вақтида тўлашда зийрак ва собитқадам бўладилар, мамлакат иқтисодиёти ва умумий ҳўжалиги тартиб-интизоми қарор топади.

И.НАСРИЕВ: -- Янги Ҳўжалик процессуал кодекси қабул қилиниши заруратга айланган қонунларимиздан бири эди. Бундан ташқари мулкрий ва номулкий муносабатларни тартибга солувчи моддий ҳўқуқ нормаларини ўзида камраб олган янги Фуқаролик Кодексининг қабул қилиниши, шунингдек унга мос бошқа қонунларнинг юзага келиши ўз-ўзидан Ҳўжалик процессуал ҳўқуқий меъёрларни ҳам уларга уйғун равишда бўлишини таъмоин этади...

М.СОБИРОВ: -- Янги Ҳўжалик процессуал кодекси ишларни ҳўжалик судларида кўриб ҳал этиш жараёнини мукамал тартибга солади. Янги кодексни ҳозир амалда бўлган кодексдан асосий фарқи ҳам шунда.

И.НАСРИЕВ: -- Албатта. Буни боя Сурхондарёдаги хусусий фермер ҳўжалиги ва жамоа ҳўжалиги ўртасидаги зиддиятнинг ҳал қилинишида ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жамоа ҳўжалиги давлат ҳўжалиги бўлмас-да, хусусий эмас, лекин зиддият қонунларимиз барқарорлиги туфайли хусусий ҳўжалик ҳисоби ҳал қилинди...

МУХБИР: -- 35.673942 сўм катта миқдордаги пул. Айтилик бирор ташкилот шунга ўхшаш қарзларни вақтида тўлай олиш қобилиятига эга бўлмас қандай чора қўрилади?

МУХБИР: -- Янги кодексининг 5-моддасида одил судловни амалга ошириш чоғида ҳўжалик суди судьялари мустақилдирлар дейилиши, 104 моддага биноан суд буйруғининг судья томонидан яққа тартибда берилиши ҳамда 114-моддада кўрсатилгандек даъво аризасини қабул қилиниши тўғрисидаги масалани судьянинг яққа ўзи ҳал қилиши ҳўжалик суди судьялариға жуда катта ҳўқуқ ва

Ҳўжалик процессуал Кодексида Халқаро ҳўқуқий меъёрлар, Ватанимизда овоздан ортиқ миллат ва элат яшашини ҳисобга олиб, суд жараёнида она тилида эркин гапириш ва таржимо хизматидан фойдаланиш ҳўқуқлари, чет эллик сармоядорлар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш, давр талаби билан суд жараёнининг янги тамойиллари, ҳўжалик судлари тузилиши, судьяларнинг вазифалари, низооларни ҳал қилиш қодалари, умуман ҳар қандай қўрилишдаги ҳўжаликлар орасидаги молиявий зиддиятларнинг ечими қабул қилинган моддаларда аниқ белгилаб берилган.

МУХБИР: -- Туркистон... ёшлар газетасидир. Шунинг учун суҳбатимиз сўнгида тобора шаклланиб бораётган қонунчилигимизда ёшлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган бирорта ўзгариш ёки янгилик ҳақида ҳам тўхталарми?

МУХБИР: -- 35.673942 сўм катта миқдордаги пул. Айтилик бирор ташкилот шунга ўхшаш қарзларни вақтида тўлай олиш қобилиятига эга бўлмас қандай чора қўрилади?

МУХБИР: -- Янги кодексининг 5-моддасида одил судловни амалга ошириш чоғида ҳўжалик суди судьялари мустақилдирлар дейилиши, 104 моддага биноан суд буйруғининг судья томонидан яққа тартибда берилиши ҳамда 114-моддада кўрсатилгандек даъво аризасини қабул қилиниши тўғрисидаги масалани судьянинг яққа ўзи ҳал қилиши ҳўжалик суди судьялариға жуда катта ҳўқуқ ва

МУХБИР: -- 35.673942 сўм катта миқдордаги пул. Айтилик бирор ташкилот шунга ўхшаш қарзларни вақтида тўлай олиш қобилиятига эга бўлмас қандай чора қўрилади?

МУХБИР: -- 35.673942 сўм катта миқдордаги пул. Айтилик бирор ташкилот шунга ўхшаш қарзларни вақтида тўлай олиш қобилиятига эга бўлмас қандай чора қўрилади?

МУХБИР: -- 35.673942 сўм катта миқдордаги пул. Айтилик бирор ташкилот шунга ўхшаш қарзларни вақтида тўлай олиш қобилиятига эга бўлмас қандай чора қўрилади?

«Ёшлар ҳўқуқии-қолажақ ташғии» ташғовига

ТУРМУШ ВА ХУЛҚ

Ҳўқуқ шундай бир имкониятлар мажмуиқиса, у жамаиқиға ҳақиқат, инсонға ҳақиқат баворар теғишли. Ҳўқуқ маданият эса ҳўқуқ-ақдорнинг доирасида ўйнаса соҳа. Соҳаси, одамлар иллар давомида уни тақомиллаштириди, сайқал беради.

ҚОБУЛ «Толибон» ҳаракати аскарлари мамлакат шимолидаги Тошқўрғон шаҳрини ташлаб кетди. Айни вақтда толиблар Қобул яқинида жанг қилаётган Аҳмадшоҳ Масъуд билан Мозори-Шарифдаги ҳўқрон доиралар ўртасида алоқа воситасини ўтайдиган муҳим йўлларни ҳам қўлдан чиқарди.

МОЛДОВА

Молдованинг ҳўқуқ-тартибот органлари ўзларининг гапига қараганда, «Гравер» номи билан муваффақиятли операция ўтказишиди. Операция пайтида қўлга олинган кишидан турли ташкилотларнинг 40 дан ортиқ сохта муҳр ва штамплари топилди. Кейинги пайтда ўғирланиб, сўнг хорижага жўнатилган деярли барча машиналар унинг қўлидан ўтгани аниқланди.

Ҳишондорларимиз

САМАРА МЕХНАТГА БОГЛИҚ

«Кўктепа» ширкат уюшмаси Форинш туманининг энг олис ҳўжалиқари билан бериш Ҳанишернинг зиммасига тўлаиб. Унинг вазифаси бузилган қамбайлларга эҳтиёт қисм этишди беришдан иборат эди.

Одатдагидек иш куни бўлгани учун автобуслар тирбанд. Биз чиққан 18-йўналишдаги транспорт бекатдан йўловчиларни олар экан, баъур ўрнидан силжибди. Шу пайт микрофондан ҳайдовчининг овози эшитилди:

ТОИБЛАРНИНГ Тошқўрғондан чекинганини «Толибон» ҳаракати вақилари ҳам эътироф этмоқда. Уларнинг таъкиллашича, ҳозир толиблар Қўндуз вилоятининг маъмурий маркази бўлган Қўндуз шаҳри мудофеасини мустаҳкамлашга киришган. Чунки, маъмур шаҳар толибларнинг асосий таянч нуқталаридан бири бўлиб, бу ердаги аэропорт орқали улар мамлакат жанубийдан қўролроғ ва озиқ-овқат олиб туради.

Бизнинг ўзимизнинг қотилларимиз пайдо бўлганидан бери ҳали унча кўп вақт ўтгани йўқ, аммо улар 20 га яқин буюртма буйича қотиллик содир этишди. Ҳали бу қотилликларнинг биронтаси ҳам очилмаган.

Бир куни тушликка чиқиб арафасида «Нива» комбайнининг тасмаси узилиб кетса бўладими? Бўгун-эрта ерган баҳарамиз деб турган пайтда ишқал чиқиши қутилмаган ҳол эди. Фанишер тушлик қилишни ҳам унутиб тасма топиш учун йўлга тушди. Ҳўжалик устанонасида йўқ экан, қўшни «Қозғонист» ширкат уюшмасига борди. Буни қарангки, бу ерда ҳам топилмади. Йўловчи машинага ўтириб вилот марказига жўнади. Вилот «Қишлоқтаъминот» бошқармасидан топиб келди. Кеч кириб қолаша ҳам, лекин комбайнини ишлатди. Қандай бўлмасин ўрмин тугатиб қўшни ҳўжалиқларга ердан бериши лозим эди.

Шунақа экан, бирор жойга кириб ишланг. Кўчага чиқсангиз бироз ёзиласиз, одамлар билан гапласангиз, -- маслаҳат берди яқиндаги қамладорлик тазтиллидан ишта қайтган Зулфия.

Улар ажралишгач, мол-мулк тенг бўлиб берилган. Эр-хотин ва болаларга. Бу рўйхатни кўриб ёқа ушлайсиз: бўлинган нарсалар орасида мураббодан тортиб, банккаларгача бор.

Молдова Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими Евгений Витунинг гапига қараганда, шу йилнинг 8 ойи мобайнида республикада 250 та қотиллик содир этилган бўлиб, уларнинг 182 таси очилган. Бу қотилликларнинг асосий қисми маъмурий ҳўқуқга эга.

Эртасига гапла ўрими туғаб, ҳўжалиқнинг режа-топишларини бажарганини тўғрисида хўшбабар тарқалди. Фанишер бу гапгага озии-қўпни ҳисса қўшганидан қувонди.

Одатдагидек иш куни бўлгани учун автобуслар тирбанд. Биз чиққан 18-йўналишдаги транспорт бекатдан йўловчиларни олар экан, баъур ўрнидан силжибди. Шу пайт микрофондан ҳайдовчининг овози эшитилди:

Энди унинг талаби: болалар уники эмас эмиш, шу боис мол-мулк уларнинг ҳақлари ҳам йўқ.

Ҳар 3 жиноятдан бири мастилик ҳолатида юз беради, дейди полиция зобити. Қайф тарқатганидан кейин жиноятчилар пушаймон бўлиб, ўзлари полиция идорасига келади.

Ҳанишер туман «Қамолот» жамгармасига ишга келган дастлабки пайтларда аҳвол жуда ноҷор эди. Президентимизнинг ўтган йили «Қамолот» жамгармасини қўллаб қувватлаш тўғрисида чиқарган қарори йилда қувват бўлди.

Набатдаги бекатга келганда кўкси тўла орден-медаль тақдан нуруний отақон ҳайдовчига пул узатиб деди: -- Биласиз, ўғлим, автобусларда теккин юрამиз. Бу пул ози бўлса ҳам ширин муомаланинг учун. Битта-яримта бева-бечорани пул олмай манзилга элтиб қўярсиз.

Бугун турмуш ташвишлари ҳаммаини елкасига тенг тушган. Лекин бу инсонийликни йўқотишга, ўз ҳўқуқ ва бурчларинини унуттишга сабаб бўлмайдими. Шонр айтганидек: одам бўлиб келиди, одам бўлайлик.

Евгений Витунинг гапига қараганда, кейинги пайтда оғир тан жароҳати етказиш /317 жиноятнинг 217 таси очилган/ ҳамда зўрлаш /158 жиноятдан 128 таси очилган/ билан боғлиқ жиноятларни очиб унча қийин бўлмади қолган. Полиция тоғламачилар билан курашишни ҳам ўрганган.

«Шурхат» медали билан тақдирланди. -- Менинг камтарин меҳнатларимни юқори баҳолаб тақдирлагани учун республикамиз Президентига, вилот «Қамолот» жамгармасидаги ўртоқларга чўқур миннатдорчилик билдираман, дейди биз билан суҳбат чоғида Фанишер, лекин қиладиган ишларимиз олдинда. Шу кеча-қўндузда «Қамолот-Омд» фирмасини ташкил этиш учун ҳаракат қилияман. Фирма чорвачилик мажмуасидан иборат бўлиб, бир неча йилит-қиз иш билан таъминланади...

Зулфиянон, кеча уйда йўқ экансиз шекилли, болаларнинг пулини бериб кетди. Уч кунча олдин иж...

Зохиджон КЕНЖАЕВА, Намангон шаҳри

Александр ТХОРОВ, ЎзА/

Э. ҲОҚОВ, «Туркистон» мухбири

МОЗИДАҲ СУЙЛАСАЛАР БУ ЖАҲОН АРО  
ҚИ ТУЛМОЖ ЭРУР ЕР ҲОЗИҒА ХИВАҲО БУҲОРО



ИККИ ҚАЛЪА

Омон МАТЖОН

Хивада қалъа бор қалъа ичинда:  
Бири - Ичон қалъа, бириси - Дишон.  
Машхурдир бирининг номи очунда,  
Бири нураб ётар беназир, бешон.


Не сир бу? Бир ёнда мовий тафаккур  
Қулф уриб турибди сокин, беозор.  
Бир ён - тонгсиз жангда ёнгилган мағрур  
Ботир жасадидек эгасиз ва хор.

Ичон қалъа демак - Хоразм фахри,  
Баҳорнақш гумбазлар, минор, сардоба...  
Шундадир ул буюк Маҳмуднинг қабри,  
Шундадир шон, гурур... Дишон - хароба...

Халқимнинг устивор руҳи - зўр даҳо  
Мангулик топандир Ичон қалъада.  
Уни бузмасин деб минг турли бало.  
Қалъа қурилгандир Дишон - далада.

Азалий беомон бир ҳукмдир бу:  
Одам - Дишон қалъа, орауси - Ичон!  
Оз яшаб кўп заҳмат кўрса ҳамки у,  
Рухин қолдирмоғи мумкиндир омон.

Мен бугун Хивада виқорли турган  
Асрий ёдгорлардан туйракан маъни,  
Дейман: умр ҳикматинг бобондан ўрган,  
Асрамоқни ўрган Ичон қалъани!



Хивалик хунарманд усталар тайёрлаган  
устунлар. Сиртидаги ўйма нақшлар жаҳон сай-  
ёхларини лол қолдиради.

ШАРҚ ШУМОРИ

Тошпўлат АҲМАД

Сен-ку тенсиз шайберасан,  
Менга сенсиз шаймоқ дувдор.  
Жонимнинг жон риймасидирсан,  
Эй, Бухоро — жонга жон дийр.

То ҳанузким Маҳмуд Моробий,  
Ҳасовати достон тилларда,  
"Бирлашми!" дер Турғи Қароғий,  
Ҳитоб айлаб туркий элларга.

Иккилар кўп оғузда, аммо,  
Сен айрига қадим наъвосан.  
Баши башар боқар маҳий,  
Шарқ шумори — сирли дунёсан.

Қонқар қалмоқ тилмога олиб,  
Ўк узарсан қислатга кўрди,  
Буюк Фитрат катталик тилиб,  
Эзган жан "Озодлик" сўзиди...

Тар санасан орифларингни,  
Лоқин эрур қирқ кета-қундуз.  
Шарифлару зарифларингни,  
Шарифига сўнгайдиқ сўз.

Иккилобтан, деган хийланиги,  
Келди сирин ошкор этарга.  
"Фитрат!" деган нафр Файзуллоҳнинг,  
Афосидан чўккан "Бўтирка..."

Абдуллоҳиқ Гиждубонийни,  
Мелур бовон Нур билгани рости.  
Баҳодурид Фахрибақийни,  
Олам аҳли Нур билгани рости.

Айтаверсан оқиб келади,  
Рақиб-рақиб ҳаҷжон, ҳислар.  
Монг нуридай балқиб келади,  
Ифрор-ифрор дурашмон сўзлар.

Ал-Бухорий "Ҳақис" ларидан,  
Расулulloҳ боқсалар не монг.  
Ибни Сино "Аш-Шифо" сиздан,  
Дардга наҳам боссалар не монг?!  
(\* Бўтирка — Москвадан қамолқона)

Шундай чилр юртсанки, шаҳрим,  
Меҳробдирсан аҳли мусулма,  
Истиқомга тавозим, эй наҳрим,  
Қайтганинг-чун қадим аслимга.

ва бошқа жойларда иқтисодийнинг пасайишига сабаб бўлганини кўрсатиб берган. Фитрат хурофотдаги тўрт камчилиқни кўрсатар экан, улардан кейингиси фойз олиш ва камбағалларга закот бермасликдир. Сўнгра эса зино қилиш, ароқ ичиш ва бошқа гуноҳ ишлар билан машғул бўлиш ман қилинганини эслади. Бу билан ўқувчиларга

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ  
АМЕРИКАЛИК ДУСТИ

Собиқ шўро даврида "фальсификатор" номи билан юртилиб, хорижий матбуотда кўринган ҳар бир мақолага қарши "чиқиш"лар уюштирилган (эҳтимоли, шунинг учундир) машхур америкалик туркшунос олим Эдвард Олвортнинг илмий асарларидан деярли беҳабармиз. Истиқлол шарофати туйғайли ўзбек адабиётшунослари у кишининг айрим асарлари билан танишиб, уларда миллимизга бўлаён чуқур ҳурмат, адабиётимизни жаҳон миқёсида барқарор бўлишида хизмат қилган олимлардан бири эканини англадик. Олимнинг "Ўзбек адабий сиёсати" (Таага, 1964), "Чор Урта Осиёда миллат гоёси" (Нью-Йорк, 1968), "Совет Урта Осиёда миллий масала" (Нью-Йорк, 1973) каби китоблари ва "Туркистонда миллий гуруҳланишни қидириб" (1917, март-1922, сентябрь), "Билим ўчоғи: Туркистон муҳтор жумҳуриясида чиқадиган вақти нашр", "Бухоролик Абдурауф Фитратнинг аргументлари" каби мақолалари қатагон туйғайли етарли ўрганилмай келган жадидчилик мавзуси билан боғлиқ. Э. Олворт 1990 йили "Замонавий ўзбеклар: XIV асрдан ҳозиргача маданӣ тарих" китобини нашр эттирди. Ушбу китоб миллий истиқлолга юз тутган ўзбек халқига қизиқиш ортган ушбу кунларда хорижий мутахассислар томонидан адабий-илмий қўлланма сифатида фойдаланилмоқда. Биз куйида туркшунос олим китобининг Абдурауф Фитрат билан боғлиқ айрим лавҳаларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилдик.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ,  
Филология фанлари доктори

Ўтмиш сабоқлари

ишонинг ҳам ноқоноз эканини кўрсатди. Баҳовуддин Нақшбанднинг зиёратига келганларнинг айрим бир

мон ўрта Шарқнинг мероси бўлиб ҳисобланишини тан олди. Семёновнинг 1938 йилгача бўлган узоқ ва давомли изланишлари шунга исбот бўлдики, Урта Осиёда бу китоб мафкура соҳасида янги бир мунозара туғилишига сабаб бўлди. Профессор Фитрат "Энг эски турк адабиёти намуналари" мажмуасида Маҳмуд Қошғарийнинг XI асрдаги машхур лугати ва мажмуасига эътибор қаратгани учун бу китоб ҳам мафкура соҳасидаги жанжалга сабаб бўлди. Бу билан проф. Фитрат Урта Осиёдаги маданият, оммавий ва этик бўлинишларга қарши чиқди. Проф. Фитратнинг кейинги асари "Ўзбек адабиёти намуналари" (1928) номили 319 саҳифали мажмуасининг кўп қисми Навоий ва бошқа Чигатой (турк) муаллифларига ва теурий шoirларга ўрин бергани учун Урта Осиёдаги мафкурачиларнинг танқидига сабаб бўлди. Шўро мафкурачилари ушбу матнларни танқид қилишларига сабаб, улар Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаронинг ислом мистицизми, очик диний мотивлар, лирик кечинмалар ва мўъжизавий рамз-тисолларини қабул қила олмас эдилар. Бу "чигатойизм" номи билан қўйилган янги айб Фитрат ва унга ўхшаган зиёлилар учун катта зарба бўлди. Кейинги ўн йил ичида бундай ихтилофлар яна ҳам кучайди. Маркесчи-мафкурачиларнинг тор ва аниқ йўлга қарши ўлароқ, "чигатой" ва бошқа сифатловчи сўзлар ҳақида эмас, балки маданият меросига эркин эғалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақида эди. Зиёлилар Урта Осиё цивилизациясини эркин талқин қилишлари натижасида ўзларини яна ҳам ҳафлдор ҳолатга солиб қўйдилар. Маркесчи-мафкурачилар мантқиқ билан галаба қила олмагач, куч билан ютишга ҳаракат қилдилар. 20-йиллар ана шундай номуштақам давр бўлди.

Профессор Фитрат Мир Алишер ўзбек адабиётининг асосчиси бўлишини баён қилганида пролетар танқидчилар буни тушунмай, худди реакционерлардек жуда ҳам аччиқландилар. Улар Ўзбекистон ССР адабиётига теурий шoir, яъни Навоийнинг асос бўлишига чидай олмас эдилар... 1936-37 йилларда шўро мафкурачилари гузал чигатой адабий мероси ҳақида гапирини милличилик деб атаган эдилар. Русия авторитерияти ва Ўзбекистон ССР сиёсатчилари мос келмайдиган фикрларни сақлаш ва баён қилиш уларнинг қамоққа юборилишларига сабаб бўлди. 1938-39 йилларда Фитрат ва унинг маслакдошлари Урта Осиё адабиёти ҳақидаги мулоҳазалари учун яширин полиция томонидан ўлдирилдилар. Бу йўл Фитратдан аввал ҳам бор эди, ундан кейин ҳам давом қилди. Коммунистик партияси ва унинг яширин полицияси Фитрат ва ўзбек сиёсатчилари Файзуллоҳ Ҳўжа ва Акмал Икромовнинг ўлдирилишини коммунизм галабаси мисоли сифатида кўрсатдилар. Кейинроқ эса, Сталин шахсига сиғинишга айбон тўнқаллар. Лекин асосий ўлдирувчилар Коммунистик тузумга содиқ кишилар бўлиб, 1938 йилда улар қаторида бошқа масъулиятли ўзбек зиёлилари ҳам қатл қилинган эди...

Инглиз тилидан Эдвард ТЕД ва  
Х. БОЛТАБОВЕВ таржимаси

Эдвард ОЛВОРТ,  
Колумбия университети профессори

ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКЛАР: ХИО АСРДАН  
ҲОЗИРГАЧА МАДАНИЙ ПАРИХ

таниқли жадид (Ҳожи Мўйин Шуқруллоҳ Угли-тарж.) "Мунозара"ни турк тилига таржима қилди. Бу билан ҳамма туркий тили биланлар учун унинг ўқилишига йўл очилди. Маҳмудхўжа Бехбудий рус подшоҳига тобей бўлган "Туркистон вилоятининг газети" орқали асар ҳақидаги ўз фикрини билдирди. Газетада Фитрат барча Урта Осиё болаларига рус тилини ўрганишни тавсия қилмагани учун Маҳмудхўжа уни танқид қилди. Ушбу танқидий мақоланинг қисқартирилган нусхаси юқорида тилга олинган асарнинг туркча наширига илова сифатида босиб чиқарилди. 1913 йилда Тошкентда пайдо бўлган бу таржима асарининг асл нусхаси Истанбул вариантга ўхшамаган ҳолда тарқатилган эди.

Фитрат диний ва маданият фикрларини тушунтириш учун Урта Осиё миллий услубини қўлаб, Ҳиндистонда ҳаёдан саёҳатда бўлган овуралик мусофир билан Бухородан ҳажга кетатуриб у билан кўришган мударриснинг узаро тортишуви шаклида асар яратган эди. "Мунозара"нинг таркиби ва маъноси ақлли юмор ҳамда юқори адабий усул билан эмас, тиниқ сўз ва мантқиқий тушунтириш билан сурорилган эди. Шунинг учун муаллиф адабий тисоллар воситасида эмас, балки мантқиқий далиллар билан ишонтиришга ҳаракат қилади. Шунга қарамадан бу ҳаёлий мубоҳаса одатдаги мунозаралардан кескин фарқ қилади. Урта Осиё адабиётида одатдаги "Мунозара"ларда От билан Эшак, Камон ва Ўк, Наша билан Май баҳста киришади.

Фитрат Курьон ва Ҳадис китобларини нотўғри ўқиган бухоролик мударриснинг хатоларини кўрсатиб ўтган. Мунозарада Мударрис айтдики, ҳамма одамлар

қалонни олқишласа, у кишини мударрис ё муфти қилиб тайинлашлари мумкин. Янги муфти омма билан ишга тушиши ҳамоноқ унинг маблагга кўпаяди. Кимда ислом қонунини билан боғлиқ муаммо туғилса, унга маслаҳат бериб ё муҳр қўйиб, бунинг эвазига муфти икки тангадан беш юз тангагача (кумуш танга 15 тийинга тенг) пул олади. Бухоролик мударриснинг тушунтиришича, пул олмасдан ҳужжатни муҳрлаш ислом қонунларига тўғри келмайди...

Фитратни бошқа бир китоби "Ҳинд саёҳати баёноти" биринчи бор форс тилида босилиб чиққан. Урта Осиёдаги қатор маданият масалаларни русларга тушунтириш учун Маҳмудхўжа Бехбудий асарни рус тилига таржима қилди (Бехбудий китоб таржимони эмас, балки ноширидир, тарж.). Бу китобда Бухорога борган ҳинд сайёҳи ўз даврида вақф (инсонпарварлик жамғармалари) даромадлари нотўғри сарф қилинаётганини очик исботлаб берди. Мударрис ва бошқа ҳодимлар талабаларга ажратилган пулларни ошқора ўғирлайди ва талабалардан ноҳақ равишда пул талаб қилади. Мадраса иморатлари ҳамон ёмон аҳволда, таълим бериш жараёни эса, тараққийдан тўхтаб қолган.

Ҳинд сайёҳи исломий (шариат) судида ўз хотини билан уришган кишининг аҳволини кўрди. Хотин эрини айблади ва унинг айбини қайтариб сўраб олди. Қози калон икки минг танга ундирунча суд жараёнини тўхтатмади, Хотин ёлғизлиги ва эрисиз тирикчиликдан қийналди қолмаслиги учун қози калонга пул берди. Шариат қонунларини нотўғри қўлаш Бухоро ҳаётига қандай таъсир этганини бу китоб тушунтириб берди. Мударрислар масъулият, вазифалардан нотўғри фойдаланиш ҳамда жаҳолат Бухоро, Қарши

"маллоҳ"ларнинг мўъжизасига ишониллари уларнинг дангасалиги ва кўрқув оқибатлари эканини ҳам англади. Бу ҳолат на қонунга, на илмга тўғри келар эди. (Шу воқеалар Тошкентдаги мударрисларни хафа қилган шекилли, туркча таржиманинг мана шу жойи олиб ташланган ёки ўзгартирилган). Асарда эслатилган яна бир камчилик, мударрисларнинг замонавий фан ва техниканинг рад этишидир. Агар бу нарсалар рад этилса, Бухоро ва Ислонни келаятган душманлардан сақлаб қолиш мумкин бўлмай қолади...

Урта Осиёда ислом классицисти сифатида профессор Абдурауф Фитрат Мир Алишер туғилган куннинг ҳижрий-қамарий йил ҳисоби билан 500 йиллигига бағишланган асосий асарни Ўзбекистонда эди. 1925 йили "Маориф ва ўқитғувчи" журналида Фитратнинг "Навоийнинг форсий шoirлиги ва унинг форсий девони тўғрисида" кичик мақоласи нашр қилинди. Шу йили Мир Алишернинг мактабдоши ва теурий ҳукмдорлардан Ҳусайн Бойқаронинг девонидан ҳам баъзи асарлар танлаб олиниб, мажмуада ҳам босилди. 1926 йилнинг кузида СССР Фанлар Академияси "Турк шoirи Мир Алишер Навоий" номили китоб нашр қилишга қарор қилди. Икки йилдан кейин рус тилида В.В. Бартольд (1869-1930) таҳририда чиққан тўпламда Мир Алишернинг сиёсий фаолиятлари ҳақидаги мақолалар киритилди. Русиянинг ўз даврларида таниқли турколог ва ориенталистлардан Самойлович, Е. Бертельс ва А. Ромаскенич таҳрир ишларида қатнашдилар, бироқ Урта Осиёдан ҳеч ким таҳрир ҳаётига киритилмади. Ушбу илмий тўплам Мир Алишернинг адабий ва диний асарлари Урта Осиё ва Мусул-

